
"Мурувват" уйидаги байрам тадбири кўтаринки руҳда нишонланди
Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон туманидаги барча маскан ва маҳаллаларда эзгу тадбирлар кенг қулоч ёйган.

Ўзбекистон туманидаги Қудаш "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида ташкилланган байрам тадбири ҳам муассасада яшовчилар учун кўтаринки руҳ бағишлади.



Туман ҳокимлиги ва "Оқтепа" жомеъ масжиди ташаббуси билан ташкиланган саҳоватга йўғрилган тадбирда муассасада яшовчилар учун байрам дастурхони ёзилди.

Ташкилотчилар бемор аёллар ва уларни меҳр билан парваришлаётган тиббиёт ходимларига самимий тилаклар билдирдилар.



Саҳналаштирилган бадий дастур ва байрам шодиёнаси тадбирлари унинг иштирокчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.
2022-12-30 10:02:07